ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

Журнал 2009 йилда ташкил этилган

Йилига 6 марта чоп этилади

МАХСУС СОН
(Ижтимоий фанлар)

Қарши – 2022

Oromov Q. Buxoro amirligining qushbegi arxivi..... 100
Пардаев А. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг ичимлик сув ва газ билан таъминланиши масалалари 103
Полвонов К.Н. Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарларида иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар 106
Раҳмонов Ф. Ўзбекларнинг ғалла экинларини ўриш билан боғлиқ удумлари (жанубий Ўзбекистон мисолида) 110
Рахматов Х. Бухоро амирлигининг маъмурий-ҳудудий тузилиши ва давлат бошқаруви хусусида баъзи мулоҳазалар..... 113
Рахматова Д. Пахта сиёсатининг Қашқадарёлик қурбонлари қисмати..... 117
Равшанов Ш. Туркистонга Россия империясидан кўчириб келтирилганларнинг маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатлари (XIX аср 2-ярми – 1917 й.)..... 120
Расулова М. Қашқадарёда ривожлантирилаётган туризмнинг янги турлари 124
Саидов Ф. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан қўшничилик ва дўстлик алоқаларининг янги босқичи 129
Саматова Ф.Н. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Қашқадарё вилояти аҳолисининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолияти 132
Сулаймонова С.Б. Илк ўрта асрларда Суғд воҳасининг мулклари ва уларнинг бошқаруви.. 135
Суюнов С.С. Қашқадарё воҳасида ирригация ишлари билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида 140
Тангиров О.Э. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент “Эски шаҳари”нинг ҳудудий ва хўжалик ҳаёти тарихига доир..... 145
Ташкенбаева Д.А. Отражение истории Туркестана в годы первой мировой войны в Британской историографии 60-90 гг. XX в..... 148
Ташкенбаев Т.Т. Политика русификации в Туркестанских школах в исследованиях зарубежных авторов XX века..... 151
Тўраева М.Х. XX асрнинг 20-30-йилларида қизил чойхоналар фаолияти (Ўзбекистон жанубий вилоятлари мисолида) 154
Турсунов Р.Н. XIX асрнинг охири – XX аср бошида Туркистон ўлкасида ов жараёнлари ва унинг экотизимга таъсири 158
Тўхтамишева Ф. Ҳунармандчиликдаги устоз ва шогирд анъаналари 162
Усаров У.А. XIX аср охири – XX асрнинг бошлари Туркистон ўлкаси қишлоқ хўжалигининг аҳволи 166
Усмонов М. Этник тарих муаммоси: назарий-методологик қарашлар (Қўнғирот уруғи этник тарихи мисолида)..... 170
Хасанов А. Сурхон воҳасининг илк ўрта аср шаҳарлари тарихий географик жойлашуви масалалари 173
Хасанова М.М. Генрих Бёлль экзистенциализми ва аёл образи (“Масҳарабоз нигоҳила” асаридаги Мария образи мисолида)..... 177
Xasanov M.G. Buxoro amirligining rossiya imperiyasi bilan savdo va diplomatik aloqalari (XVIII asr ikkinchi yarmi – XIX asr boshlarida) 180
Хайруллаева М. Ўзбекистонда илм-фан тараққиётига қаратилган давлат сиёсати 183
Хамраев Ғ. “Қушбеги ҳужжатлари” – Бухоро амирлиги тарихини ўрганишда муҳим архив манба..... 187
Хафизов А.А. Понятие вежливости в теории речевого акта 191
Хидиров И. Суғдда амалга оширилган археологик тадқиқотлар тарихшунослиги..... 195
Холмуминов Ҳ.Э. Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати ва демографик жараёнлар 198
Холикулов А.Б. Амир Насрулло ҳукмронлиги йилларида Бухоро – Усмонийлар муносабатлари 201
Холманова Ф.У. Ипакчилик енгил саноат ривожининг асосий бўғинидир 206
Холияров Т.Ч. Сурхон воҳаси ҳудудида антропоген ландшафтлар шаклланиш жараёнининг асосий босқичлари 209

ўтказиб, пирлар ҳаққига зиёфат берган. Бундай маросимлар республиканинг турли минтақаларида ҳунармандлар томонидан жамоавий тарзда барча усталардан йиғилган маблағ ёрдамида, ягона мақсад – ҳомий пир арвоҳига жамоавий тарзда қурбонлик келтиришни кўзлаб ўтказилиб турилган бўлса, Хоразмда эса мазкур маросим навбатма-навбат ҳар бир уста томонидан ўтказилиб турилган[7]. Арвоҳипир маросимида фақатгина қурбонлик қилиш билан чегараланилмаган, бунда шунингдек, соҳага боғлиқ турли масалалар ҳам муҳокама қилинган ва муаммолар ўз ечимини топган. Шу ерда уста унвонини олган шогирд белига белбоғ боғлаган ва бўлажак уста пирларнинг давомчиси бобо ҳамда устозига сарполар қилган[1]. Шогирдининг қобилиятига қараб, қайси вазифани бажара олишига, кучига қараб топшириқ беради. Вазифа беришдан аввал шогирдига топшириқни ҳар томонлама тушунтиради. Шогирд тайёрлаш устанинг энг муҳим ва машаққатли, олий даражали бурчидир. Ҳозирги кунгача етиб келган бу анъаналар халқимиз томонидан қадрланиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Пещерова Е.М. Гончарное производства Средней Азии. -М-Л.:АН СССР, 1959. – С.311
2. История народов Узбекистана. – Ташкент, 1950. -Т.1. – С. 224
3. Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар.Т.,1998.б.172
4. Комаров П.А. Несколько слов о рисола // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1901. №45. Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников. – Ташкент, 1912. Его же. О ремесленных цехах Средней Азии и их статусах-рисола // Изв. Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып.III. – Ташкент, 1928, – С.354-357, Комаров П.А. Несколько слов о рисола // Туркестанские ведомости, Т.,1901, №45; Сухарева О.А. Рисола как исторический источник // Источниковедение и текстология средневекового Ближнего и Среднего Востока. – М., 1984. – С.201-215 и др.
5. Атаджанова Д. Рисола – источник по изучению отдельных отраслей истории ремесла // O‘zbekiston tarixi. – Ташкент, 2005. №2. – С.82.
6. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства(Историко-этнографические очерки). – Ташкент, 1958. – С. 100-107.
7. Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX – начала XX века. – Ташкент, 1962. – С. 54.
8. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре вXIV веке. Ташкент. – С. 154-157.
9. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конец XV-XVI в. – Ташкент: Фан, 1985. – С.81.
10. Пешерова Е.М.О ремесленных организациях Средней Азии вконце XIX – начале XX вв.Краткое сообщения инс.этнологии. -М-Л.,1960. – Вып. XXXIII. – С. 311-317.
11. Гончарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1986. – Б. 82.
12. Жаббаров И.Дресвянская Г. Духи, святые боги Средней Азии. – Тошкент, 1993. – С.17413. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Б.321; Гончарова П.А.
14. Гаврилов М. Рисаля сартовских ремесленников.... – С.45.

Нашрга проф О.Бўриев тавсия этган.

XIX АСР ОХИРИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АҲВОЛИ

Усаров У.А. (ЎзМУ)

Аннотация: Ушбу мақолада XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошларидаги Туркистон ўлкасининг Россия империяси мустамлакачилиги даври қишлоқ хўжалиги аҳволи, ўлкада империя ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантиришга оид аграр сиёсатининг моҳияти архив ҳужжатлари, давр манбалари, адабиётлар ва илмий тадқиқот ишлари таҳлили орқали очиб берилган.

Таянч сўзлар: *Россия империяси, Туркистон ўлкаси, Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, пахта, Upland, десятина, пуд, уезд.*

Аннотация: В статье, на основе анализа архивных материалов, периодической печати, литературы и научных исследований раксрыты вопросы состояния сельхоз-хозяйства и аграрной

политики имперской власти в крае, направленной на развитие хлопководств в Туркистанском крае во второй половине XIX – начале XX века.

Ключевые слова: *Российская империя, Туркистанский край, Фергана, Сирдарья, Самарканд, хлопок, десятина, пуд, уезд.*

Annotation: The article is based to analysis of archival materials, periodicals, literature and scientific research, the issues of the state of agriculture and the agrarian policy of the imperial authorities in the region, aimed at the development of cotton growing in the Turkestan region in the second half of the 19th - early 20th centuries, are discussed.

Key words: *Russian Empire, Turkistan region, Ferghana, Sirdarya, Samarkand, cotton, tithe, found, county.*

Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олишдан мақсади бу ҳудудлардан хомашё базаси ҳамда тайёр маҳсулотлар сотилиши мумкин бўлган бозор сифатида фойдаланиш эди. Империя ҳукумати ўлкада ўзининг аграр сиёсатини тўлиқ амалга ошириш учун дастлаб ўлканинг қишлоқ хўжалиги ва унда етиштирадиган маҳсулотлар турларини тўлиқ ўрганиб чиққан ҳолда, аста-секинлик билан пахта хомашёси экиладиган ерларни муттасил кенгайтириб борди. Бу ҳаракатлар ўлкада пахтачиликка эътиборнинг тубдан ортиб бориши, пахтанинг янги серҳосил навларини етиштиришни талаб этар, Россия ўлкага кириб келгунга қадар экилган "Жайдари", "Малла ғўза", "Сўзана" навларининг ўрнига XIX аср охирига келиб ўлкада 12 номда маҳаллий ва хорижий пахта навлари экилди[15]. 1875 йилда Сирдарё вилоятининг Тошкент уездида, 1879 йилда Фарғона вилояти Наманган уезди Чуст шаҳри ер участкасида, 1872 йилда Самарқанд вилояти Самарқанд уезди ва Каттақўрғон уезди волостларида Американинг "Cossypinum Upland" пахта нави синовдан ўтказилди[16:14].

1872-1878-йилларда "Sea Island", "Petit Gylf", "Golmes early prolific", "Early chinese golden" (Хитой), "VFC Slans", "Hearlong", "Boyd's prolific u Upland" навларини етиштириш йўлга қўйилди. Ўтказилган тажрибалар ва олинган ҳосилдан келиб чиқиб, ўлкада экилган маҳаллий навлар билан бирга маҳаллий иқлимга мослашган Американинг "Upland" нави яхши ҳосил берган. Америка қитъасининг орол ва соҳил бўйларида етиштирилган бошқа пахта навлари ўлка иқлимига мос келмаган. Маҳаллий пахта нави яхши ҳосил берса-да, толасининг узунлиги, ингичкалиги ва майинлиги билан ажралиб турган, бироқ "Upland" навига тенг келмаган. Аммо, пахтанинг маҳаллий нави кам парвариш ва кам харажат талаб қилиши билан Америка навидан устун бўлган[2]. Шу сабабли маҳаллий пахта нави 1894 йилга қадар ҳам маҳаллий аҳоли томонидан экиб келинди. Айни пайтда ерли аҳоли маҳаллий пахта навини қадрлаган. Маҳаллий аҳоли томонидан кенг кўлланилган ёғоч машина – жин ёрдамида пахта нави толасининг уруғини ажратиб олиш қулай бўлганлиги сабабли аҳоли томонидан пахтанинг маҳаллий навини қадрланган. Пахтанинг Америка навини бу машинада қайта ишлов бериш имкони бўлмаган[2:4].

Туркистон ўлкасининг биргина Самарқанд вилоятида умумий пахта майдонларининг 26 %ида маҳаллий пахта нави экилган. Бу Самарқанд уездида 17 % атрофида, Каттақўрғон уездида 28 % дан ортикроқ, Хўжанд уездида 32 % ни, Жиззах уездида 75 % га тўғри келган. 1896 йилга келиб, Самарқанд вилоятининг умумий майдони 6914648 десятинани (1 десятина – 1,09 гектарга тенг) ташкил этган бўлса, шундан суғориладиган майдонлар 282955 десятинани ташкил этиб, шундан 18144 десятина ерга пахта экилган[1:79]. Агар пахтанинг Америка нави Самарқанд уездида 3251 десятина, маҳаллий нави 2001 десятина, умумий миқдорда 5252 десятина ерга экилган бўлса, бу Каттақўрғон уездида пахтанинг Америка нави 5075 десятинани, маҳаллий нави 3 845 десятинани, умумий миқдорда 8920 десятинани, Жиззах уездида пахтанинг Америка нави 938 десятинани, маҳаллий нав 250 десятинани, умумий миқдорда 1188 десятинани, Хўжанд уездида пахтанинг Америка нави 1882 десятинани, маҳаллий нав 902 десятинани, умумий миқдорда 2784 деятинани ташкил этган[1:64]. Юқоридагилардан кўринадики, бу даврда вилоятнинг сунъий суғориладиган ерлари 4,1 % ни ташкил этиб, 6,4 % и маҳаллий аҳоли томонидан пахта учун қайта ишланган. Вилоятнинг Жиззах ва Хўжанд уездларида 1896 йилда суғориладиган ерларга пахта экиладиган майдонлар нисбатан бир хил бўлиб,

Жиззах уездида умумий майдоннинг 4,7 % ини, Хўжанд уездининг эса 5,6 % ини ташкил этган. Худди шу йили Каттақўрғон уездида бу ерлар 18,5 % ини ташкил этган[1:81]. Каттақўрғон уезди пахтачиликнинг ривожланиши бўйича биринчи ўринда турган. Уезднинг қулай иқлими, сув манбаига бойлиги, темир йўлга яқинлиги, асосийси, дастлабки йилларда бу уездда пахтанинг Америка навининг экилиши ва бу навга харид қилувчилар талабининг ошиб бориши сабаб бўлган.

XIX аср охири – XX асрнинг бошларига келиб, Фарғона вилоятида экин майдонлари сунъий суғориладиган маҳаллий аҳолига қарашли ерлар 839300 десятинани ташкил этган. Уездлар бўйича Марғилон уездида 214428,6 десятина, Андижон уездида 211156,4 десятина, Наманган уездида 170178,2 десятина, Қўқон уездида 163372,9 десятина, Ўш уездида 81089 десятинадан иборат бўлган[13:15]. Фарғона водийсида пахта экиш шу даражада кучайдики, биргина Наманган уездининг ўзида пахтанинг Америка нави 1890 йилда 13814 десятина ерга экилиб, ундан 919470 пуд миқдорда ҳосил олинган бўлса, 1901 йилга келиб 34000 десятина ерга экилиб, ундан 1840000 пуд миқдорда ҳосил олинган[4:124].

XX асрнинг боши, яъни 1906 йилга келиб, Фарғона вилояти бўйлаб пахта экиладиган майдонлар аввалги йилларга нисбатан 5000 десятинага кўпайди[14:21]. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Фарғона вилоятининг уездлари бўйича 1906 йилги пахта экиладиган майдонлари тақсимоти

Уездлар	Америка нави	Маҳаллий нав	Жами
Андижон уезди	50865	2035	**52900**
Қўқон уезди	25409	6189	**31598**
Марғилон уезди	54215	3111	**57326**
Наманган уезди	37347	942	**38289**
Ўш уезди	3595	161	**3756**
Жами	**171431**	**12438**	**183869**

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Америка пахта нави маҳаллий пахта навини сиқиб чиқарди. Масалан, биргина Фарғона водийсида пахта майдонларининг кенгайиши ва ҳосилдорлигининг ошиб боришини 1895 йили умумий ҳисобда 4766 70 пуд Америка пахтаси, 687422 пуд маҳаллий пахта йиғиб олинган бўлса, бу кўрсаткич 1896 йилга келиб, Америка пахтаси учун 6018615 пудни, маҳаллий пахта 590123 пудни ташкил этганлигини кўриш мумкин[14:8.].

Шунингдек, ўлканинг пахта етиштиришга ихтисослаштирилган Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 1888 йилдан то 1915 йилга қадар, салкам 30 йил мобайнида қишлоқ хўжалигида пахта экиладиган ер майдонлари муттасил кўпайтирилган[12:29]. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 1888 йилдан то 1915 йилга қадар қишлоқ хўжалигида пахта экиладиган ер майдонлари

Йили	Вилоятлар номи			Умумий
	Фарғона	Сирдарё	Самарқанд	
	минг десятина			
1888	34,7	25,8	8	68,5
1893	85,3	31,5	21,5	138,3
1898	106,2	14,7	17,1	138
1903	144	11	9,8	169,8
1908	190.9	28	21,7	240,2
1913	274,9	76,7	31,8	383,4
1915	336,5	74	55,6	466,1

Тадқиқотчи Н.У.Мусаевнинг ёзишича, бу давр оралиғида Америка пахта навини етиштириш ўлканинг Фарғона вилоятида 9,5 баробарга; Сирдарё вилоятида 2,4 баробарга, Самарқанд вилоятида эса 7 баробарга кўпайган[9:194-195].

Профессор Ҳ.Зиёевнинг таъкидлаганидек, XIX асрнинг охирларига келиб ўлкада пахтачиликнинг мавқеи ошиб, пахта экиладиган ер майдонлари йилдан йилга кўпайиб борди. 1888 йилда пахта экиладиган майдонлар 68670 десятина бўлса, 1895 йилда 142527 десятина, 1900 йилда 234274 десятина, 1901 йилда 260013 десятина ва 1916 йилга келиб эса 533671 десятинага етди[6:179-181]. 1900 йилга келиб умумий пахта майдонларининг 60 фоизига Америка навлари экилди. Натижада, Россия империяси пахта экин майдонларини кенгайтириш ва пахта хомашёсини ишлаб чиқариш суръатлари бўйича АҚШ, Миср ва Ҳиндистондан ўтиб кетди[5:26 б].

1901 йилги Фарғона вилояти Статистика қўмитасининг ҳисоботида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилоятида аввалги йилларга қараганда пахта экиладиган ер майдонлари 1899 йилда 50 минг десятинага, 1900 йилда 31 минг десятинага, 1901 йилда 26280 десятинага кенгайганлиги айтиб ўтилади. Шундан 1901 йилга келиб, 194573 десятина ер майдонига пахтанинг Америка нави экилган бўлса, 15562 десятина ерга маҳаллий пахта нави экилган. Йил якунига келиб эса, пахтанинг Америка навидан 9808944 пуд ҳосил олинган[3:8].

Туркистонда пахтачиликнинг кенг кўламда ривожланиб бориши, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига нисбатан пахтанинг кўпроқ даромад келтирганлиги туфайли маҳаллий деҳқонларнинг ўз томорқаларига пахта экишга ҳаракат қилганлик ҳолатлари ҳам бўлган. Пахта майдонларининг кенгайиб бориши, донли экин майдонларининг камайиши табиий шароити ноқулай келган йилларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ниҳоятда қийинлаштириб қўйган. Масалан, 1911 йилда об-ҳавонинг ноқулай келиши Фарғона вилоятининг кўплаб ҳудудларида аҳоли истеъмоли учун ғалла етишмай қолишига сабаб бўлган. Маҳаллий аҳоли маккажўхори илдизидан ун олиб, ундан гўжа тайёрлаб жон сақлашга мажбур бўлганлар[10:16].

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, деҳқончилик учун ўта муҳим бўлган сув ҳам Туркистон ўлкаси халқлари ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли маҳаллий аҳоли сувга алоҳида эътибор қаратиб, сунъий суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тартибга солиш ишлари халқ ҳашарлари йўли билан амалга оширилган. Империя ҳукумати ҳам бу масалага алоҳида эътибор берди. Сунъий суғориш тармоқларига ва сувга эгаликни ўз қўлига олди[7:45].

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Туркистон ўлкаси иқлими фақатгина бошоқли экинлар экишга эмас, балки боғдорчилик, узумчиликни ривожлантиришга ҳам мос эди. Сенатор К.К. Пален ҳам ўлкада ўтказган тафтишида ёғингарчилик кам бўлган ерларда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мумкинлигини ҳамда чўл ҳудудларини, у ердаги флора ва фаунани ўрганиш баробарида тоғли ҳудудлардаги ўсимликлар дунёсини озиқ-овқат, техник ҳамда доривор ўсимликлар турига бўлиб қайд этган[11:27-36].

Умуман олганда, мустамлака шароитида Туркистонда амалга оширилган аграр сиёсат, гарчанд аввалдан ишлаб чиқилмаган бўлса-да, Россия империясида ривожланаётган капитализмнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини, саноат корхоналари эҳтиёжларини қондиришга қаратилди. Туркистон ўлкасини хомашё базаси ҳамда тайёр маҳсулотлар сотилиши мумкин бўлган бозор сифатида фойдаланишни мақсад қилган Россия империяси ўлкада қишлоқ хўжалиги ўз назоратига олиб, белгиланган мақсадларни амалга ошириб борди. Ўлкада асосан пахтачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш ҳаракат қилганлиги сабабли империя хориж мамлакатларидан, жумладан, АҚШдан пахта хомашёсини сотиб олишни камайтира бошлади. Натижада, ўлкада пахта экиладиган майдонлар ва пахтанинг америка нави етиштириш муттасил кўпайиб борди. Бундай ҳаракатлар натижасида ўлкада пахтачиликка эътиборнинг тубдан ортиши пахтанинг янги серҳосил навларини етиштириш йўлга қўйилди. Оқибатда маҳаллий аҳолининг дон экинлар ва озиқ-овқат маҳсулотларга эҳтиёжи ортиб бориб, уларнинг ижтимоий аҳволи оғирлашишига олиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Обзор Сыр-Даръинской области за 1912 год. – Ташкент, 1914. – С. 16.
2. Вирский М. Хлопководство и хлопковая промышленность в Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. 1897. / Под ред.
3. Вирский М. Хлопководство // Справочная книжка Самаркандской области на 1894 г. Обзорь хлопководства за 1892 г. Вып. 2. – Самарканд, 1894. – С. 2., 4
4. Ежегодникъ Ферганской области. Томъ. I. Вып. 1902 г., Изд. Ферганскаго областного статистическаго комитета. – Новый Маргелан: Типографія Ферганскаго областного правленія, 1902. – С. 8.
5. Ежегодникъ Ферганской области. Томъ II, Вып. 1903 г., Издание Ферганскаго областного статистическаго комитета. – Новый Маргелан: Типографія Ферганскаго областного правленія, 1903. – С. 124.
6. Жабборов М. Фарғона вилояти тарихининг “Туркестанский сборник”да ёритилиши (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фанл. номз. ... дисс. – Фарғона, 2000. – 26 б.
7. Зиёев Ҳ.З. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. – 179-181 б.
8. Кастельская З. Из истории Туркестанского края. – М., 1980. – С. 45.
9. Мусаев Н.У. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 97 б.
10. Мусаев Н.У. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (Тош даври охирларидан – XX аср бошларига қадар). – Тошкент: Фан, 2005. – 194-195 б.
11. Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть I. – СПб: Сенатская типография, 1911. – С. 27-36.
12. Социально-экономическое положение Узбекистана накануне Октября / Отв. ред.: акад. АН Уз ССР К.Е. Житов. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 29.
13. Статистический обзор Ферганской области за 1906 год / Изд. Ферганским областным Статистическим комитетом. – Новый Маргеланъ, 1907. – С. 21-22.15
14. ЎзМА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 1163-йиғмажилд, 48-варақ;
15. ЎзМА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 37-йиғмажилд, 4-варақ.
16. Ҳайитов Ж.Ш. Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фанл. бўй. фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Т., 2020. – 14 б.

Нашрга проф. Н.Махкамова тавсия этган.

ЭТНИК ТАРИХ МУАММОСИ: НАЗАРИЙ – МЕТОДОЛОГИК ҚАРАШЛАР (Қўнғирот уруғи этник тарихи мисолида)

Усмонов М. (ҚарДУ)

Аннотация: Ушбу мақолада, этник тарих муаммоси: назарий-методологик қарашлар ва қўнғирот уруғи этник тарихининг айрим назарий масалалари тарихий-этнологик таҳлил асосида илмий тарзда ёритилган.

Таянч сўзлар: *Этнографик гуруҳ, этник гуруҳ, этнос, субэтнос, қўнғирот – “қўштамғали”, “вахтамғали”, “ойинли”, “қонжиғали”, “тортувли”, уруғ, қабила, элат, миллат, халқ, қишлоқ, оқсоқол, этноним, (тира, тўпор, тўп, ота, даҳа), уруғдошлик (авлод, уруғ, отадош, пушт, насил, аймоқ, жигардош), эл , юрт, яъни “қўнғирот эли”*

Аннотация: В данной статье освещены проблема этнической истории: теоретико-методологические взгляды и некоторые теоретические вопросы этнической истории кунгратов содержит подробный анализ существующих взглядов и научных предположений.

Ключевые слова: *Этнографическая группа, этническая группа, этнос, субэтнос, кунград – «коштамгали», «актамгали», «аинли», «канжигали», «тортувли», племя, род, народность, нация, селеная, старста, этноним, «эл» (народ, люди, племя, род, страна), «юрт» (страна, край, родина),*

Annotation: This article provides a detailed analysis of the existing theoretical and methodological views and scientific assumptions on the problem of ethnic history and some theoretical issues of the ethnic history of Kungrats.

Key words*: Ethnographic group, ethnic group, ethnos, kungrat, subethnos ethnology, tribe, nation, aksakal, nationality, village, country, land, homeland.*